

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**2017 — 2021 ЙИЛЛАРДА ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Оролбўйи минтақаси аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга йўналтирилган 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури) 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин, унда қўйидагилар назарда тутилади:

янги иш жойларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш, канализация, санитария ва майший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш;

минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва аҳоли генофондини асраш тадбирларини амалга ошириш;

минтақада яшовчи аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, кўп квартирали уйларда уй ичи муҳандислик коммуникациялари ва умумфойдаланадиган жойларни таъмирлаш, шунингдек болалар ва спорт майдончаларини барпо этган ҳолда уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш;

минтақа аҳоли пунктларининг транспорт, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, суғориш ва ташқи ёритиш тармоқларини такомиллаштириш, Нукус ва Урганч шаҳарларининг замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этган ҳолда иссиқлиқ таъминоти тизимларини яхшилаш.

2. 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ҳамда тизимли назорат қилишни таъминлаш учун 2-иловага\* мувофиқ таркибда Республика комиссияси тузилсин.

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда .

Давлат дастурининг минтақа даражасида амалга оширилишини самарали ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси раҳбарлигига ва Хоразм вилоятида — вилоят ҳокими раҳбарлигига худди шундай комиссиялар ташкил этсин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Xалқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, шунингдек тармоқ идоралари ва хўжалик бирлашмалари Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари бошчилигига доимий фаолият юритувчи ишчи гурухларни ташкил қилсинлар.

(2-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПФ-5483-сонли **Фармони таҳририда** — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)



2-банднинг учинчи хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги ПФ-5114-сонли *Фармонига* асосан ўзгартириши киритилган. *Рус тили* матнига қаранг.



*LexUZ шарҳи*

2-банднинг учинчи хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5118-сонли *Фармонига* асосан ўзгартириши киритилган. *Рус тили* матнига қаранг.



*LexUZ шарҳи*

2-банднинг учинчи хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5497-сонли *Фармонига* асосан ўзгартириши киритилган. *Рус тили* матнига қаранг.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли *қарорига* асосан ўз кучини йўқотган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

#### 4. Қўйидагилар:

Корақалпоғистон Республикасининг Мўйнок, Шуманай, Қонликўл, Тахтакўпир, Чимбой туманларида, Хоразм вилоятининг Янгиариқ ва Қўшкўпир туманларида жойлашган саноат соҳасида (автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияларидан ташқари) янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар — 2027 йилнинг 1 январига қадар, Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қолган туманларида — 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатга ягона солик тўловидан;

Корақалпоғистон Республикасининг Мўйнок, Шуманай, Қонликўл, Тахтакўпир, Чимбой ва Кегейли туманларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақатгина ушбу туманларда фойдаланиладиган маҳсус техника, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун 2020 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргалиқда ушбу қарор доирасида божхона тўловлари бўйича имтиёз қўлланилган ҳолда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

Белгилансинки, юқорида кўрсатиб ўтилган товарлардан мақсадли фойдаланилмаган тақдирда (сотиш, бепул бериб юбориш ёки ўзгага беришнинг бошқа шакли), божхона имтиёzlари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 октябрдаги ПҚ-3970-сон *қарори таҳририда* — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 07/18/3970/2049-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5. 2017 йилнинг 1 февралидан бошлаб Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида, айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги таъминоти учун, «Баркамол авлод» марказларида, мусиқа ва санъат мактабларида машғулотлар учун ота-оналарнинг ҳар ойлик тўлови миқдорлари, шунингдек маданият марказлари тўлов миқдорлари Республика бўйича белгиланганидан 2 баравар кам даражада ўрнатилсин.

(5-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сонли *қарори таҳририда* — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2018 й., 07/18/4068/2349-сон)

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6. 2017 йилнинг 1 февралидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида мухтоҷ оиласарга, биринчи навбатда, ёлғиз фуқаролар, пенсионерларга, бокувчиси ногирон оиласарга ҳамда бошқа кам таъминланган тоифадаги аҳоли ва оиласарга қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғинларининг комиссиялари қарорига биноан тайинланадиган, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан белгиланадиган миқдорда бир марта бериладиган моддий ёрдам шаклидаги ижтимоий нафақанинг янги тури жорий этилсин.

(6-банднинг биринчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мухтоҷ оиласарга ижтимоий нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва уни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2017 йилнинг 1 февралидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталарини сотиш маҳсус имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан биргаликда бир ой муддатда йўловчиларнинг тегишли тоифалари учун маҳсус имтиёзли тарифларни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Ташқи ишлар вазирлиги Оролбўй минтақаси аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш жойлари яратиш, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий донорларнинг техникавий кўмак маблаглари (грантлари)ни жалб этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 январь,  
ПҚ-2731-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 49-модда, 20-сон, 354-модда, 35-сон, 923-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 06/18/5457/1324-сон, 14.07.2018 й., 06/18/5477/1505-сон, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон, 16.10.2018 й., 07/18/3970/2049-сон, 20.12.2018 й., 07/18/4068/2349-сон, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон)